

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАЛМИРЗАЕВ ДИЛМУРАД КАМИЛОВИЧ**

**КУЧСИЗ ЎСУВЧИ ПАЙВАНДТАГЛАРДА КЎЧАТ ЕТИШТИРИШ**  
**АСОСИДА ОЛЧА ВА ОЛХЎРИНИНГ ЖАДАЛЛАШТИРИЛГАН**  
**БОГЛАРИНИ БАРПО ЭТИШНИ АГРОТЕХНОЛОГИК АСОСЛАРИ**

**06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2023**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**  
**Content of dissertation abstract of doctor of Sciences (DSc)**

**Халмирзаев Дилмурад Камирович**

Кучсиз ўсувчи пайвандтагларда кўчат етиштириш асосида олча ва олхўрининг жадаллаштирилган боғларини барпо этишни агротехнологик асослари..... 3

**Халмирзаев Дилмурад Камирович**

Агротехнические основы создания интенсивных вишневых и сливовых садов на основе выращивания саженцев на слаборослых подвоях..... 25

**Khalmirzaev Dilmurad Kamilovich**

Agrotechnical principles of creating intensive cherry and plum orchards based on growing seedlings on weak-growing rootstocks..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список о опубликованных работ  
List of published works..... 51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАЛМИРЗАЕВ ДИЛМУРАД КАМИЛОВИЧ**

**КУЧСИЗ ҶСУВЧИ ПАЙВАНДТАГЛАРДА КҶЧАТ ЕТИШТИРИШ**  
**АСОСИДА ОЛЧА ВА ОЛХҶРИНИНГ ЖАДАЛЛАШТИРИЛГАН**  
**БОГЛАРИНИ БАРПО ЭТИШНИ АГРОТЕХНОЛОГИК АСОСЛАРИ**

**06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик**

**Қишлоқ хҶжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2023**

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2023.3.DSc/Qx277 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Исламов Соҳиб Яхшибекович,**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Файзиев Жамолиддин Носирович,**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Хўжамшукуров Нуртожи Абдихолиқович,**  
биология фанлари доктори, профессор

**Намозов Ихтиёр Чориевич,**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент.

**Ётақчи ташкилот:**

Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил 18 декабр соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 700140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz). Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (549753-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 700140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2023 йил 6 декабр куни тарқатилди.  
(2023 йил 30 ноябрдаги 79-рақамли реестр баённомаси).



  
**Э.Т.Бердиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, к.х.ф.д., профессор

  
**М.З.Холмуротов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, к.х.ф.д., доцент

  
**С.А.Юнусов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д.

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда олча ва олхўри каби қайта ишлаш имконияти юқори бўлган мевали ўсимликларни интенсив асосда, яъни кучсиз ўсувчи пайвандтагларда етиштириш кенг тарқалган бўлиб, уларнинг улуши “Болгария ва Италияда 80 фоиз, Германия, Англия ва АҚШда 90 фоиз ва Россияда 40 фоизни ташкил этади. Дунёда бугунги кунда 2 млн. 318 минг тонна олча ва 12 млн. 63 минг тонна олхўри етиштирилмоқда. Олча етиштириш бўйича жаҳонда Туркия (599,6 минг тонна) АҚШ (288,5 минг тонна), Эрон (220,4 минг тонна), олхўри бўйича эса Хитой (6676,0 минг тонна), Руминия (512,9 минг тонна), Сербия (463,1 минг тонна) каби давлатлар етакчилик қилмоқда”<sup>1</sup>. Ўзбекистон олча етиштириш бўйича 5-ўринни (95,3 минг тонна), олхўри бўйича эса 11-ўринни (134,1 минг тонна) эгаллаб келмоқда. Гарчи ялпи хажми бўйича дунёда нуфузли ўринни эгаллаб келаётган бўлсада, бундай улкан майдонда етиштирилган ҳосилнинг миқдори гектарига 8,8-9,2 тоннадан ва аҳоли жон бошига тақсимоти 4,1 ва 2,9 кг дан ошмайди. Бунинг асосий сабаби юқори ҳосилдор интенсив боғлар улуши 3-5% дан ошмайди.

Дунёда вегетатив йўл билан кўпаядиган пайвандтаглар коллекциясини яратиш, улар орасидан кучсиз ўсувчи, совуққа ва жазирама иссиққа бардошли намуналарни ажратиш, пайвандтагларни вегетатив йўл билан кўпайтиришнинг самарали усуллари ишлаб чиқилмоқда. Бу борада куртак пайванд қилишнинг макбул муддатларини аниқлаш, навдор кўчатлар ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ва стандарт кўчат чиқиши миқдорини ошириш масалаларига бағишланган илмий изланишлар долзарб бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда саноат боғдорчилигининг асосий вазифаси республика аҳолиси талабини қондириш ва хорижий давлатларга экспортни кўзда тутувчи сифатли мевалар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳисобланади. Бунга боғлиқ равишда бошқа мевалар орасида ўзининг тезпишарлиги, тез ҳосилга кириши ва ҳар йили мунтазам ҳосил бериши билан ажралиб турадиган олча ва олхўри каби мевалар ишлаб чиқаришни интенсификация қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада республикада хориждан келтирилган кучсиз ўсувчи кўчатлар асосида интенсив боғлар барпо этилган бўлиб, ушбу боғларда замонавий агротехник тадбирларни қўллаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини 30-мақсад: қишлоқ хўжалигига оид бандида «...экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, интенсив боғлар майдонини 3 баравар ва иссиқхоналарни 2 баравар кўпайтириб, экспорт салоҳиятини яна 1 миллиард АҚШ долларига ошириш»<sup>2</sup> устувор вазифалардан бири сифатида алоҳида белгилаб қўйилган. Шу боис, бугунги кунда йирик масштабда барпо этилаётган янги интенсив

<sup>1</sup> <https://www.atlasbig.com/ru/страны-по-производству-вишни>; <https://www.atlasbig.com/ru/ страны-по-производству-сливы>

<sup>2</sup><https://lex.uz/docs/5841063>

боғларда ўсимликларни парваришлашнинг энг сўнгги технологияларини кўллаш ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлган долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПФ 5388-сон «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон «Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларидаги вазифаларни илмий жиҳатдан амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.** Олча ва олхўрининг интенсив боғларини барпо қилиш имконини берувчи, ташқи экстремал омилларга бардошли, пайвандуст навнинг юқори ҳосилдорлигини таъминловчи кучсиз ўсувчи пайвандтаглари яратиш ва улар асосида кўчат етиштириш бўйича дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот институтлари, илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, East Malling Research Station (Буюк Британия), Horticultural Research Institute of Ontario (АҚШ), Research and Breeding Institute of Pomology Holovously Ltd. (Чехия), Institute for Fruit breeding at Dresden-Pillnitz (Германия), Бутунроссия боғдорчилик ва кўчатчилик селекцион-технологик институти ҳамда Қрим тажриба-селекцион станцияси (Россия)<sup>3</sup>, Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ва Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институтида (Ўзбекистон) кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Интенсив типдаги боғларни кучсиз ўсувчи пайвандтагларда етиштирилган кўчатлардан барпо этиш ва улар парваришлаш технологияси бўйича дунёда олиб борилган илмий-тадқиқотлар асосида қуйидаги илмий натижалар олинган: вегетатив йўл билан кўпаювчи олчанинг П-3, Рубин, П-7, ВЦ-13, ПН, Кармалеевская, ОВП-1 ва олхўрининг ОП 23-23, ОПА 15-2, ОД 2-3, АКУ 2-31 каби кучсиз ўсувчи пайвандтаглари яратилган; паст бўйли олча ва олхўри дарахтлари шох-шаббасига «ярусли», «сийрак ярусли» ва «учта скелет», «бешта скелет» каби шакл бериш усуллари яратилган (Бутунроссия боғдорчилик ва кўчатчилик селекцион-технологик институти, Россия).

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Данакли мева ўсимликлари кўчатларини кучсиз ўсувчи клон пайвандтагларда етиштиришга бағишланган кенг қамровли тадқиқотлар АҚШ, Канада, Франция, Англия, Германия, Болгария, Италия ва Россия каби мамлакатларда R.Garner, A.P.Preston, A.B.Webster, R.A.Smith, R.Wait, H.T.Taptman, D.C.Kester, J.N.Cummins,

<sup>3</sup><http://www.suttonelms.org.uk>, [https://www.researchgate.net/Pear\\_Using\\_Hardwood\\_Cuttings](https://www.researchgate.net/Pear_Using_Hardwood_Cuttings), [https://www.ishs.org/ishs-article/538\\_38](https://www.ishs.org/ishs-article/538_38), <https://vstisp.org/vstisp/>

G.S.Hick, K.H.Tilmann, M.Zupnik, H.J.Damman, S.W.Zagajia, T.Yakubovski, A.Poniedzialer, P.Pamia, J.Dutu, G.Mladin, A.Masseron, Г.П.Чимпоеш, М.И.Барберошие, К.Г.Карычев, Н.М.Здоровцов, Г.В.Еремин, О.А.Гнездилов, Ю.К.Вехов, Р.И.Головина, В.Ф.Гавриш, В.Н.Стыценко, Г.Ю.Поликарпова ва бошқалар томонидан олиб борилган. Ўзбекистонда мевали ўсимликларни, олхўри ва олча истисно ҳолатда, кучсиз ўсувчи пайвандтагларда етиштириш билан ҳар хил йилларда О.К.Афанасьев, Р.Д.Джураев, С.Я.Исламов, З.А.Абдикаюмовлар тадқиқот олиб боришган.

Мазкур йўналишда олиб борилган тадқиқотлар таҳлили мевали ўсимликларни кучсиз ўсувчи пайвандтагларда етиштиришнинг юқори самарали эканлигини кўрсатади. Республикада олхўри ва олча каби мевали ўсимликларда бундай тадқиқотларнинг ўтказилмаганлигига боғлиқ равишда, ушбу йўналишда кенг қамровли илмий тадқиқот олиб бориш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан долзарб ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети Мева-сабзавотчилик ва узумчилик кафедрасининг №12-1 рақамли «Мева, резавор-мева ва узум етиштиришнинг такомиллашган усуллари ишлаб чиқиш технологиялари» (2018-2022) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кучсиз ўсувчи пайвандтагларда кўчат етиштириш асосида олча ва олхўрини жадаллаштирилган боғларини барпо этишнинг агротехнологик асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

олча ва олхўрини муҳитнинг стресс омилларига чидамли кучсиз ўсувчи пайвандтагларини танлаш;

кучсиз ўсувчи пайвандтагларда олча ва олхўри кўчатларини етиштириш технологиясининг самарали элементларини ишлаб чиқиш;

экиш схемасининг олча ва олхўри дарахтлари ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

олча ва олхўри дарахтлари фотосинтез маҳсулдорлиги ва ассимиляция юзасининг ривожланишига шакл бериш усулининг таъсирини аниқлаш;

интенсив боғларда олча ва олхўри дарахтлари ҳосилдорлиги ва мевасининг сифатига шакл бериш усулининг таъсирини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида олчанинг вегетатив йўл билан кўпаядиган ОВП-1, ОВП-4, ОВП-5, П-3, П-7, ВП-1, Любская, Подбельская, уруғидан ўстириладиган камхастак олча пайвандтаглари ҳамда Шпанка черная нави, олхўрининг вегетатив йўл билан кўпаядиган ОПА 15-2, АП-1, ОП 23-23, СВГ 11-19, ОД 2-3, уруғидан ўстириладиган Кора олу пайвандтаглари ҳамда Исполинская нави олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб кучсиз ўсувчи олхўри ва олча пайвандтагларининг қурғокчилик ва совуққа чидамлилиги, ушбу пайвандтагларга қуртак пайванд қилиш муддатлари, интеркаляр қўйилмали кўчат етиштиришда уларнинг узунлиги, интенсив боғлар учун олча ва олхўри

кўчатларини экиш схемалари, олча ва олхўри дарахтлари шох-шаббасига шакл бериш усуллари, баргларнинг ассимиляция сатҳи, фотосинтез маҳсулдорлиги, меваларнинг кимёвий таркиби ва ҳосилдорлиги ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Дала ва лаборатория тажрибалари ҳамда илмий ишланмалар натижаларини ишлаб чиқаришда синаш ва татбиқ этиш мевачиликда умумқабул қилинган «Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси» (Буриев Х.Ч., Енилеев Н.Ш. ва б., 2014), «Физиология и биохимия растений (Методические указания)» (Моисеев В.П., Рещецкий Н.П., 2009), «Изучение зимостойкости сортов плодовых и ягодных растений в полевых и лабораторных условиях» (Тюрина М.М., Красова Н.Г. ва б., 1999) «Полевые опыты с плодовыми деревьями» (Пирс С. 1969), каби услублар бўйича амалга оширилган ва тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида, 0,95% ишонччилик оралиғи билан Б.А.Доспехов (1985) тавсия этган услуб бўйича ҳисобланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

олчанинг қурғоқчилик (сув танқислиги 24,3-24,7%) ва совуққа (-20-25°C) чидамли П-3 ва П-7, олхўрининг ОД 2-3 ва ОПА 15-2 (сув танқислиги 18,1-19,5%) пайвандтаглари танланган;

кучсиз ўсувчи пайвандтагларда олча ва олхўри кўчатларини етиштиришда пайвандуст куртакларнинг юқори тутувчанлиги (88,0-89,6%) ва энг кўп кўчат чиқишини (46619-47613 дона/га) таъминловчи пайванд қилиш муддати (30 июль – 10 август) аниқланган;

олхўри ва олча дарахтларининг энг яхши ўсиб, ривожланиши ва юқори ҳосилдорлигини таъминловчи экиш схемаси (4,0x3,0 м) илмий асосланган;

олча ва олхўри дарахтлари ассимиляция юзасини ривожланиши ва фотосинтез маҳсулдорлигининг шакл бериш усулига корреляцион боғлиқлиги асосланган ( $R^2=0,89-1,0$ );

олча дарахтларига 5 скелет шохли (19,8 т/га) ва олхўри дарахтларига ярусли (39,9 т/га) шакл берилганда энг юқори ҳосилдорлик ва мевасининг сифатли бўлиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

олчанинг қурғоқчилик ва совуққа чидамли П-3 ва П-7, олхўрининг ОД 2-3 ва ОПА 15-2 пайвандтаглари танланган;

кучсиз ўсувчи пайвандтагларда олча ва олхўрининг навдор кўчатларини етиштириш учун куртак пайванд қилишнинг мақбул муддати (30 июль – 10 август) аниқланган;

уруғидан ўстириладиган кучли ўсувчи пайвандтагларда олча ва олхўрининг ўсиш кучи чекланган кўчатларини етиштириш учун интеркаляр қўйилгани 30 см, ўртача ўсувчи вегетатив йўл билан кўпаядиган пайвандтагларда 20 см узунликда ва кучсиз ўсувчи вегетатив йўл билан кўпаядиган пайвандтагларда 10 см узунликда олиш мақсадга мувофиқлиги аниқланган;

интенсив олхўри ва олча боғларини барпо қилишда дарахтларининг энг яхши ўсиб, ривожланиши ва юқори ҳосилдорлигини таъминловчи экиш схемаси (4,0x3,0 м) танланган;

интенсив олхўри ва олча боғларида олча дарахтларига 3 ва 5 скелет шохли , олхўри дарахтларига ярусли ва сийрак ярусли шакл беришда энг юқори ҳосилдорлик таъминланиши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий-тадқиқот натижаларининг апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳоланганлиги, илмий ҳисоботларнинг Тошкент давлат аграр университети илмий кенгашида муҳокама этилганлиги ва ижобий тақризлар олинганлиги, тажриба маълумотларининг математик-статистик таҳлилдан ўтказилганлиги, тадқиқотдан олинган натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тажриба натижаларининг халқаро ва республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманларда баён этилганлиги ҳамда маҳаллий ва хорижий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олча ва олхўрининг ҳар хил ўсиш кучига эга қимматли пайвандтагларининг стресс омилларига чидамлилиги навнинг биологик хусусиятига, пайвандуст куртакларнинг юқори тутувчанлиги камбий тўқималарининг физиологик фаоллигига, интенсив боғларда олча ва олхўри дарахтларининг фотосинтез маҳсулдорлиги, ассимиляция юзаси ва ҳосилдорлиги экиш схемаси ва шакл бериш усулига корреляцион ( $R^2=0,89-1,0$ ) боғлиқ бўлишини илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олчанинг қурғоқчилик ва совуққа чидамли кучсиз ўсувчи П-3 ва П-7, олхўрининг ОПА 15-2 ва ОД 2-3 пайвандтаглари танланган, куртак пайванднинг энг юқори тутувчанлиги 30 июл – 10 август муддатида ўтказилганда таъминланиши аниқланган, интенсив боғларда дарахтлар 4x3 м схемада экилганда ҳамда шох-шаббасига олчада 5 скелет шохли, олхўрида ярусли шакл берилганда энг юқори ҳосилдорлик олинishi аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** кучсиз ўсувчи пайвандтагларда кўчат етиштириш асосида олча ва олхўрининг жадаллаштирилган боғларини барпо этишни агротехнологик асосларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

боғдорчиликка ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгалари учун “Интенсив олча ва олхўри боғларида дарахтларнинг шох-шаббасига шакл бериш” номли тавсиянома ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 3 ноябрдаги 07/21-21-07/466-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгалари учун олча ва олхўридан юқори ҳосил етиштиришда амалий қўлланма сифатида хизмат қилган;

олча ва олхўри кўчатларини ўсиш кучи турли бўлган пайвандтагларда куртак пайванд қилиш йўли билан етиштириш ишланмаси Тошкент вилояти Охангарон тумани Янгиҳаёт МФЙ “ИЛХОМ” фермер хўжалигида 1 гектар, Янгиҳаёт МФЙ “Камрон Имрон Келажак” фермер хўжалигида 2 гектар ва Охангарон тумани Дўстлик МФЙ “Махсума Матлюба Мафтуна” фермер хўжалигида 1 гектар, жами 4 гектар майдонда жорий қилинган (Қишлоқ

хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 3 ноябрдаги 07/21-21-07/466-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида гектарига 269000,0 минг сўмгача соф фойда олинган;

интенсив олча ва олхўри боғларидаги дарахтларга шакл бериш ишланмаси Охангарон тумани Янги ҳаёт МФЙ “ИЛХОМ” фермер хўжалигида 9,1 гектар, Янгиҳаёт МФЙ “Камрон Имрон Келажак” фермер хўжалигида 5 гектар, жами 14,1 гектар майдонда жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 3 ноябрдаги 07/21-21-07/466-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида гектарига 52000,0 минг сўмгача соф фойда олинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала тажрибалари Тошкент давлат аграр университетида ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, тадқиқот натижалари 5 та, шу жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси ва материаллари бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган. Олий аттестация комиссиясини диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 192 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Олча ва олхўри боғларини барпо этишни жадаллаштиришнинг назарий асослари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида хорижий ва республика олимларининг ушбу диссертация мавзусига оид олиб борган илмий-тадқиқотлари натижалари келтирилган. Бунда боғдорчиликни жадаллаштиришда олча ва олхўрининг вегетатив йўл билан кўпайтириладиган клон пайвандтагларининг кўлланилиши, олча ва олхўри кўчатларини интеркаляр кўйилмали пайвандтагларда етиштириш, интенсив олча ва олхўри боғлари барпо қилишнинг назарий ва амалий асослари, кучсиз ўсувчи пайвандтагларда

ўстирилган олча ва олхўрининг интенсив боғларини парваришлашнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича илмий манбалар келтирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқотни ўтказиш шароити, мақсади, объекти, дастури ва услуги» деб номланган иккинчи бобида тажриба майдонининг тупроқ-иклим шароитлари, алоҳида тажрибаларни ўтказиш мақсади, вазифалари, объектлари ва услуги келтирилган. Ушбу бобнинг «Тадқиқот ўтказиш жойининг табиий-иклим шароитлари» деб номланган бўлимида асосий дала тажрибалари олиб борилган майдоннинг иклим хусусиятлари ва тупроғининг тавсифи келтирилган.

Бобнинг «Тадқиқот услуги» деб номланган бўлимида ҳар бир алоҳида тажрибанинг ўтказилиш методикаси ҳамда тажриба ўтказишдаги фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, тажриба маълумотларига камерал ва статистик ишлов бериш тартиби берилган.

Диссертациянинг «Кучсиз ўсувчи пайвандтагларда олча ва олхўри кўчатларини етиштириш технологияси» деб номланган учинчи бобида олча ва олхўри кўчатларини вегетатив кўпайтириладиган кучсиз ўсувчи пайвандтагларда етиштириш технологиясининг айрим элементларини такомиллаштириш юзасидан олиб борилган тажриба натижалари келтирилган.

Жумладан, ушбу бобнинг «Олча ва олхўри пайвандтагларининг морфо-биологик хусусиятлари ва муҳитнинг стресс омилларига чидамлилиги» деб номланган бўлимида олча ва олхўри пайвандтаглари ўсимликларининг морфо-биологик ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари, шунингдек уларнинг курғоқчиликка ва совуққа чидамлилиги баҳоланган.

Кузатувлар шуни кўрсатдики, ўрганилган пайвандтаглар орасида уруғидан ўстирилган олча пайвандтагларининг барчаси кучли ўсиш хусусиятига эга бўлиб, бир вегетация даврида ҳосил бўлган новдалар узунлиги 63,7-72,9 см гача етиши мумкин. Вегетатив йўл билан кўпаядиган пайвандтаглар эса ўзининг бир хил бўлмаган ўсиш кучи билан икки гуруҳга мансуб бўлиб, бўйи 56,7 дан 62,7 см гача бўлган ўртacha ўсувчи ОВП-1, ОВП-5 ва ВП-1 пайвандтаглари ҳамда бўйи 45,6-55,4 см оралиғида бўлган суст ўсувчи ОВП-5, П-3 ва П-7 каби пайвандтаглардан иборатдир.

Олхўри пайвандтагларида кучли ўсиш уруғидан ўстирилган Қора олу ва вегетатив йўл билан кўпайтирилган ОПА 15-2 ва АП-1 пайвандтагларида кузатилади, асосий новда узунлиги 56,7, 49,3 ва 46,1 см ни ташкил этади. Бунда кучсиз ўсувчи сифатида йиллик новда узунлиги 34,4 дан 39,9 см гача бўлган ЧАК 5-62, АКУ 2-31, ВВА-1 ва ОД 2-3 турларини ажратиш мумкин.

Олча ва олхўрининг вегетатив йўл билан кўпаядиган ҳамда уруғидан ўстириладиган пайвандтаг ўсимликларининг ўсув даврини, яъни куртаклари уйғона бошлаган санадан хазонрезгилик аломатлари намоён бўла бошлаган санагача бўлган давр давомийлиги у қадар кучли фарқланмади ва мос равишда 229-241 кун оралиғида ўзгарди. Пайвандтаг ўсимликларнинг ушбу давр бўйича фарқланиш оралиғи 12 кундан ошмади. Бу эса фикримизча уларнинг биологик хусусиятларини деярли яқинлиги, бир оилага мансублиги ва келиб чиқиш ареалининг ўхшашлиги билан тушунтирилади.

Ўрганилган пайвандтагларнинг қурғоқчиликка чидамлилиги баргларда сув танқислиги, транспирацияга сув сарфи ва барг хужайраларининг тургорни тиклай олиш хусусияти бўйича аниқланган. Лаборатория тажрибаларида аниқланишича, кундузги давомий вақтдаги юқори ҳароратдан кейин барг хужайраларида тургор ҳолатининг энг яхши тикланиши билан олча ва олхўрининг уруғидан ўстирилган пайвандтаглари алоҳида ажралиб турди. Уларда ёзги даврда транспирацияга энг кам, яъни 23,4 дан 29,3% гача сув сарфлаганлиги қайд этилди, мос ҳолда уларда барг хужайраларининг сув танқислиги 18,7-21,2% ни ташкил этди. Уруғидан ўстирилган ўсимликларда кундузги плазмолиздан сўнг жами тажрибадаги ўсимликлар умумий сонига нисбатан қарийб 92,3-94,7% да барг хужайралари тургор ҳолатининг тикланиши энг юқори даражада кечди.

Веgetатив йўл билан кўпаядиган олча ва олхўри пайвандтагларидан ёзги даврда қурғоқчиликка энг юқори чидамлилик олчанинг ПН, олхўрининг АП-1, ОП 23-23, СВГ 11-19 ва ОД 2-3 пайвандтагларида кузатилди. Мазкур пайвандтагларда кундузги соатларда барглардан сувнинг йўқотилиш даражаси 20,0-28,1% дан ошмади, сув танқислиги 18,1-29,5% ни ташкил этди, барг хужайраларида тургор ҳолатининг тикланиши эса 98,0-100,0% гача етди. Ушбу вегетатив йўл билан кўпаяувчи пайвандтагларнинг қурғоқчиликка бундай яхши чидамлилигини шу билан тушунтириш мумкинки, улар уруғлик пайвандтаглардан фарқли равишда, сувни тупрокнинг пастки қатламларидан ўзлаштира олмас экан, сув тартиботининг ўзгарувчан шароитларида барг тўқималари тузилишини сезиларли даражада ўзгартира олиши билан сув танқислигига самарали жавоб реакциясини ҳосил қила олиш хусусияти билан ажралиб туради. Тупрокда намлик етишмаганда уларнинг илдизида умумий, боғланган ва эркин сув концентрациясининг уруғлик ўимликлар илдизидагига нисбатан бир қанча ортиши кузатилади. Шу боис уларнинг илдизи ер устки қисмларини сув билан жадал таъминлайди ва қурғоқчилик вақтларида юқори даражада намлик тутиб турувчанлик хусусиятини намоён этади.

Ўрганилган мевали турлар кесимида эса олча пайвандтаглари қурғоқчиликка юқори чидамлилик кўрсаткичини намоён этади, уларда ушбу физиологик кўрсаткич олхўрига нисбатан 6,9% га юқори бўлди.

Кучсиз ўсувчи олхўри ва олча пайвандтагларининг совуққа чидамлилигини аниқлаш учун қишки чуқур тиним даврида уларнинг новдалари ва илдиз тизими лаборатория музлатгич камерасига жойлаштирилди ва 24 соат мобайнида ушланди. Сўнгра новдалар ва илдиз тизими хона ҳароратида 6-8 соат мобайнида сақланиб, тўқималарнинг зарарланганлик ҳолати аниқланди. Тажриба икки йўналишда олиб борилди: пайвандтаг ўсимликлари ер устки қимининг совуққа чидамлилигини аниқлаш ва уларнинг ер остки – илдиз тизимининг совуққа чидамлилигини аниқлаш. Лаборатория таҳлилларининг кўрсатишича, олча ва олхўри пайвандтаглари новдалари ва илдиз тизимининг қишки чуқур тиним тиним давридаги совуққа чидамлилик даражаси пайвандтагнинг биологик хусусиятларига боғлиқ равишда фарқланди.

Олча пайвандтагларининг совуқдан сезиларли зарарланиши асосан музлатгич ҳарорати  $-25^{\circ}\text{C}$  гача пасайтирилганда қайд этилди. Бунда олчада

назорат – Подбельская навига нисбатан энг юкори чидамлилик П-7 ва П-3 пайвандтаглариди, олхўрида назорат – Қора олу навига нисбатан энг юкори чидамлилик ОПА 15-2 ва ОП 23-23 пайвандтаглариди аниқланди. Уларда камбий тўқималарининг зарарланиш даражаси 0,5 балл атрофида бўлди.

Лабораторияда олиб борилган таҳлилларимиз шуни кўрсатдики, ҳарорат диапазонининг дастлабки икки вариантыда олчани барча пайвандтаглари илдиз тизимининг совуқдан зарарланмаганлиги аниқланди. Фақатгина -10 °С ҳароратда назорат – Подбельская, Любская, ВП-1, ва ОВП-1 пайвандтаглариди илдиз тизими феллоген тўқимасининг 7-11% гача, яъни 1 баллдан (камбийнинг зарарланиши бўйича 0,7 бирлик) камрок зарарланиш аниқланди (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Олча ва олхўри пайвандтаглари илдиз тизимининг қиш давридаги (январ) совуққа чидамлилик\* даражаси, 2018-2022 йиллар

Тажриба варианты	Манфий ҳароратларда олча пайвандтаглари илдиз тизимининг чидамлилик даражаси, %				
	-8 °С	-10 °С	-12 °С	-14 °С	-16 °С
Олча пайвандтаглари					
Подбельская – назорат	100 (0)	93 (0,5)	81 (1,0)	75 (1,2)	45 (2,7)
Любская	100 (0)	95 (0,5)	85 (0,7)	79 (1,0)	49 (2,5)
П-7	100 (0)	100 (0)	94 (0,3)	82 (0,8)	55 (2,2)
П-3	100 (0)	100 (0)	95 (0,2)	83 (0,8)	56 (2,2)
ОВП-1	100 (0)	96 (0,2)	86 (0,7)	78 (1,1)	52 (2,4)
ОВП-4	100 (0)	98 (0)	85 (0,7)	79 (1,0)	51 (2,5)
ОВП-5	100 (0)	99 (0)	86 (0,7)	76 (1,2)	51 (2,5)
ВП-1	100 (0)	97 (0,4)	85 (0,7)	77 (1,2)	50 (2,5)
ПН	100 (0)	98 (0)	88 (0,6)	79 (1,0)	51 (2,5)
Олхўри пайвандтаглари					
Қора олу – наз.	100 (0)	93 (0,3)	82 (0,8)	73 (1,8)	42 (2,9)
ОПА 15-2	100 (0)	100 (0)	95 (0,2)	80 (1,0)	50 (2,5)
АП-1	100 (0)	95 (0,2)	85 (0,7)	74 (1,3)	43 (2,8)
ОП 23-23	100 (0)	100 (0)	94 (0,2)	82 (0,9)	51 (2,5)
СВГ 11-19	100 (0)	94 (0,2)	84 (0,7)	75 (1,2)	44 (2,7)
ОД 2-3	100 (0)	96 (0,2)	86 (0,7)	77 (1,2)	45 (2,7)
ВВА - 1	100 (0)	95 (0,2)	85 (0,7)	73 (1,4)	44 (2,7)
АКУ 2-31	100 (0)	94 (0,2)	84 (0,7)	75 (1,2)	43 (2,8)
ЧАК 5-62	100 (0)	96 (0,2)	86 (0,7)	77 (1,2)	46 (2,6)

\* қавс ичида зарарланишининг балларда ҳисобланган кўрсаткичи келтирилган.

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, совутишнинг барча диапазонларида совуққа нисбатан бўлсада чидамлилик олчада П-7 ва П-3 пайвандтаглариди, олхўрида ОПА 15-2 ва ОД 2-3 пайвандтаглариди сақланиб қолди.

Ушбу бобнинг «Кучсиз ўсувчи пайвандтагларда олча ва олхўри кўчатларини етиштириш технологиясининг самарали элементларини ишлаб чиқиш» деб номланган бўлимида куртак пайванд қилиш муддатининг тутувчанлик ва кўчат чиқиш микдорига таъсирини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба натижалари келтирилган. Кузатувлар шуни кўрсатдики, ўсиш кучи турли бўлган пайвандтагларда етиштирилганда, навдор куртакларнинг тутувчанлик сифати ҳар иккала мевали ўсимлик турида ҳам деярлик бир хил бўлиб, фарқланмайди ва бунда олча кўчатларини етиштиришда 95,5-95,7%, олхўри кўчатларини етиштиришда эса 96,8-97,3% ни ташкил этди. Пайвандуст куртакларнинг кузги-қишки даврдаги сақланувчанлиги пайвандтаг турига боғлиқ равишда фарқланди ва бунда энг яхши кўрсаткичлар вегетатив йўл билан кўпайтириладиган кучсиз ўсувчи олчанинг П-7, олхўрининг ОД 2-3 пайвандтагларида кузатилди.

Олча ва олхўрининг кучсиз ўсувчи П-7 ва ОД 2-3 пайвандтаглари кўлланилганда кўчатларнинг сусти ўсишига эришилди, бунда уларнинг бўйи 80,3 ва 83,7 см дан ошмайди ва уруғидан ўстирилган пайвандтагларда етиштирилганга нисбатан 35,4 ва 43,9 см га паст бўлади.

Олча ва олхўри кўчатларини кучсиз ўсувчи П-7 ва ОД 2-3 пайвандтагларида етиштиришда пайванд компонентларининг ўзаро мос келишини мўътадил физиологик шароит таъминлайди, кузги-қишки даврда уларнинг сақланувчанлигини оширади, ўсув даврида эса кўчатларнинг яхши ривожланишига имкон беради, буларнинг барчаси кўчатзорнинг майдон бирлигидан кўчатларнинг умумий чиқиши, шунингдек стандарт кўчатлар чиқишини 69,3-71,5% ёки гектарига 40764-42058 донагача оширади ва бунда ҳар иккала тур мевали ўсимлик кўчатларини уруғидан ўстирилган пайвандтагларда етиштиришга нисбатан 8,1-8,7% оширишга эришилди.

Олчанинг Шпанка черная ва олхўрининг Исполинская навларини кучли ўсувчи уруғидан ва вегетатив йўл билан кўпайтириладиган пайвандтагларда етиштириш учун куртак пайванд қилишнинг мақбул муддати июнь ойининг охири – июль ойининг биринчи ўн кунлиги ҳисобланади, ушбу муддатда пайвандуст куртакларнинг тутувчанлик даражаси 90,9-96,6% ни, уларнинг кузги-қишки даврда сақланувчанлиги 90,3-94,2% ни ташкил этади.

Олчанинг Шпанка черная ва олхўрининг Исполинская нави кўчатларини кучсиз ўсувчи П-7 ва ОД 2-3 пайвандтагларида етиштириш учун куртак пайванд қилишнинг мақбул муддати 30 июлдан 10 августгача ҳисобланади, ушбу муддатда пайванд қилинганда куртакларнинг тутувчанлиги 95,7-95,9%, уларнинг кузги-қишки даврда сақланиши 88,0-89,6% ташкил этади. Ушбу ҳолат пайвандтаг ва пайвандуст ўсимликлар камбий хужайраларининг мазкур даврга келиб энг фаол (9-10 балл) бўлиши билан тушунтирилади.

Куртак пайванд қилиш муддатларини оптималлаштириш кўчатзорнинг майдон бирлигидан умумий стандарт кўчат чиқишини олчанинг П-7 пайвандтагида 47613 дона/га, олхўрининг ОД 2-3 пайвандтагида 46619 дона/га гача етказиш имконини беради, бунда республикада умумқабул қилинган пайванд қилиш муддатига нисбатан 16,2 ва 10,6% га юқори бўлган натижаларга эришилди.

Диссертациянинг «Кучсиз ўсувчи пайвандтагларга асосланган олча ва олхўри интенсив боғларини барпо этишнинг самарали элементларини ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи боби кучсиз ўсувчи пайвандтагларда ўстирилган олча ва олхўри кўчатларидан жадаллашган боғ барпо қилиш технологияси элементларини илмий асослашга бағишланган. Хусусан, ушбу бобнинг «Экиш схемасининг олча дарахтлари ўсиши ва ривожланишига таъсири» деб номланган бўлимда ҳар хил экиш схемаларида олча дарахтларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги таҳлил қилинган.

Кузатувларнинг кўрсатишича, экиш схемалари интенсив олча боғларида дарахтларнинг барг билан қопланиш даражасига кучли даражада таъсир кўрсатади. Бир дарахтнинг барг билан қопланиш даражаси зичликдан сийракликка қараб чизикли ортиб боради. Жумладан, олчанинг Шпанка черная навида унинг қиймати 4,0 х 2,0 м схемада 2689,7 дан (ассимиляция сатҳи 7,3 м<sup>2</sup>/гуп) 4,0 х 4,0 м схемада 3935,5 дона/гупгача (ассимиляция сатҳи 12,2 м<sup>2</sup>/гуп) ортиб борди.

Майдон бирлигидаги ассимиляция сатҳи эса боғдаги дарахтлар сонига кўпроқ боғлиқ бўлиб, зичликдан сийракликка қараб чизикли камайиб боради. Жумладан, олчада унинг қиймати 4,0 х 2,0 м схемада гектарига 3242250 дан (ассимиляция сатҳи 10375 м<sup>2</sup>/га) 4,0 х 4,0 м схемада 2147875 донагача (ассимиляция сатҳи 7938 м<sup>2</sup>/га) камайиб борди.

Маълумки, мевали дарахтларнинг ҳосилдорлиги ва мевасининг сифати фақатгина уларда шаклланган ассимиляция сатҳига эмас, балки дарахтларда ривожланадиган новдаларнинг ўзаро нисбати ва сонига ҳам боғлиқ бўлади. адабий манбаларда келтирилишича, данакли меваларда қўлланилган пайвандтаг тури, навнинг биологик хусусиятлари, экиш схемалари, шох-шаббасига шакл бериш усули ва бошқа қўлланиладиган турли агротехник тадбирларга боғлиқ равишда ўсув, аралаш ва букет (ҳосил берувчи) шохлар турли нисбатда шаклланади.

Экиш схемаларига боғлиқ равишда кучсиз ўсувчи П-7 пайвандтагида барпо қилинган олчанинг Шпанка черная нави боғида дарахтларда шаклланган новдалар сони ва уларнинг ўзаро нисбатини таҳлил қилиш юқорида келтирилган олимларнинг фикрини тасдиқлади. Жумладан, тажрибада олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, бир дарахтда шаклланган ҳар хил типдаги новдаларнинг умумий сонининг назоратга (4,0 х 3,5 м) нисбатан энг юқори қийматда бўлиши билан сийраклаштириб экилган тажриба варианты (4,0 х 4,0 м) алоҳида ажралиб турди. Ушбу тажриба вариантыда ҳар бир дарахтда шаклланган ҳар хил новдаларнинг ўртача умумий сони 345 донагача етганлиги аниқланди. Бу эса назорат вариантининг ушбу кўрсаткичидан 30 дона новдага кўпроқ демакдир. Ушбу аниқланган физиологик ҳолатни дарахтлар сийрақроқ жойлаштирилганда шох-шаббасининг нисбатан эркин ўсиши, кўпроқ ён шохлар ҳосил қилиши ва бунинг натижасида шохлар сонининг ҳам нисбатан кўпроқ бўлиши билан тушунтирилади.

Ҳосил ҳажмини бевосита белгиловчи аралаш ва букет шохларининг сони ҳам дарахтлар сийрақроқ, яъни 4,0 х 4,0 м схемада барпо қилинган боғ

вариантида энг юқори қийматда бўлди. Ушбу тажриба вариантыда 131 донагача аралаш ва 122 донагача букет шохлар шаклланди. Бу эса назорат вариантынинг ушбу кўрсаткичидан мос ҳолда 8 ва 11 донага кўпроқ демакдир (2-жадвал).

2-жадвал

**Экиш схемасининг олчани нави дарахтларида новдаларнинг шаклланишига таъсири, 2020-2022 йй (боғ 2015 йил барпо қилинган)\***


Экиш схемаси	Туп сони, дона/га	Жами бир йиллик новдалар сони			
		дона/туп	шундан		
			ўсув	аралаш	букет
4,0 x 2,0	1250	244±5,0	58±1,2	97±2,0	89±1,8
4,0 x 2,5	1000	271±5,5	69±1,4	105±2,1	97±2,0
4,0 x 3,0	833	296±5,4	77±1,4	117±2,1	102±1,9
4,0 x 3,5 – наз.	715	315±6,4	81±1,7	123±2,5	111±2,3
4,0 x 4,0	625	345±7,0	92±1,9	131±2,7	122±2,5
<i>ЭКФ<sub>05</sub></i>		<i>13,0</i>	<i>3,3</i>	<i>5,1</i>	<i>4,6</i>
<i>Sx, %</i>		<i>0,7</i>	<i>0,7</i>	<i>0,7</i>	<i>0,7</i>

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, аралаш ва букет шохларнинг энг кам сони билан, қоидага мувофиқ, зичлаштирилган, яъни 4,0 x 2,0 м схемада барпо қилинган боғ варианты ажралиб турди. Ушбу тажриба вариантыда ҳосил бўлган аралаш шохларнинг ўртача сони 97 ва букет шохларнинг ўртача сони эса 89 донадан ошмади. Бу эса назорат вариантынинг ушбу кўрсаткичидан мос ҳолда 26 ва 22 донага камроқ демакдир. Ҳар бир туп дарахтда шаклланган аралаш ва букет шохларнинг ўртача сони қолган тажриба вариантларида оралиқ қийматларга эга бўлди ва тажриба вариантларига мос равишда 105 дан 117 донагача ҳамда 97 дан 102 донагача оралиқда фарқланди.

Олчанинг кучсиз ўсувчи П-7 пайвандтагида ўстирилган Шпанка черная нави дарахтларида шаклланган ўсув, аралаш ва букет шохларининг ўртача сони хир бир дарахтнинг ўртача маҳсулдорлигида ўз ифодасини кўрсатди. Қоидага мувофиқ, бир дарахтнинг энг юқори ўртача ҳосили сийраклаштириб, яъни 4,0 x 4,0 м схемада барпо қилинган боғлардаги дарахтлардан олинди. Ушбу тажриба вариантыда бир дарахтнинг бундай юқори ҳосили уларда 131 донагача аралаш ва 122 донагача букет шохлар шаклланиши билан изоҳланади. Бу эса ушбу тажриба вариантыда ҳар бир дарахтдан ўртача 49 кг гача, яъни назорат вариантыга (47) нисбатан 2 кг/тупгача кўпроқ ҳосил олишни таъминлади.

Майдон бирлигидан олинган ҳосил ўлчамини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, унинг қиймати фақатгина бир дарахтнинг ўртача ҳосилига эмас, балки майдон бирлигидаги дарахтлар сонига ҳам боғлиқ равишда фарқланди. Бинобарин, майдон бирлигидан олинган энг юқори – 17,5 т/га ҳосилдорлик билан 4,0 x 3,0 м схемада барпо қилинган боғ варианты алоҳида ажралиб турди. Ушбу тажриба вариантыда ҳосил миқдорининг юқори ўлчамда бўлишининг асосий сабаби, фикримизча боғ майдонида дарахтларнинг оптимал

жойлашиши, майдон бирлигида дарахтларнинг қулай озуқа майдонига эга бўлиши ва бунинг натижасида уларнинг яхши ўсиб ривожланиши ва юқори ҳосил беришини таъминлайди. Дарахтлар нисбатан сийрак жойлаштирилган 4,0 x 4,0 м схемада барпо қилинган боғ майдони бирлигидан олинган ҳосил, гарчи ҳар бир дарахтдан олинган ўртача ҳосил энг юқори қийматга (49 кг гача) эга бўлган бўлсада, дарахтлар сони энг кам бўлганлиги сабабли энг кичик ўлчамда бўлди. Ушбу тажриба вариантыда бир гектар майдон ҳисобидан етиштирилган ҳосил миқдори 15,6 тоннадан ошмади (1-расм).



**1-расм. Экиш схемасининг олчани Шпанка черная нави ҳосилдорлигига таъсири, 2020-2022 йй (боғ 2015 йил барпо қилинган):**

Ушбу бобнинг «Турли экиш схемаларида олхўри дарахтларининг ўсиши ва ривожланиш хусусиятлари» деб номланган бўлимида келтирилган тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, 4,0 x 3,0 м схемада барпо қилинган боғларда олча каби тенденция қайд этилди. Жумладан экиш схемалари олхўри боғларида дарахтларнинг барг билан қопланиш даражасига кучли даражада таъсир кўрсатади. Бир дарахтнинг барг билан қопланиш даражаси зичликдан сийракликка қараб чизикли ортиб боради. Хусусан, унинг қиймати олхўрининг Исполинская навида мос равишда 2593,8 дан (ассимиляция сатҳи 8,3 м<sup>2</sup>/туп) 4,0 x 4,0 м схемада 3436,6 дон/тупгача (ассимиляция сатҳи 12,2 м<sup>2</sup>/туп) ортиб борди.

Кучсиз ўсувчи ОД 2-3 пайвандтагида ўстирилган олхўрининг Исполинская навидан 4,0 x 2,0 м схемада барпо қилинган боғларда ўсув, аралаш ва букет шохлар 256 дан 4,0 x 4,0 м схемада 370 дон/тупгача ортиб борди.

Таҳлилий маълумотлар шуни кўрсатадики, ҳосил ҳажмини бевосита белгиловчи аралаш ва букет шохларининг сони дарахтлар сийракрок, яъни 4,0 x 4,0 м схемада барпо қилинган боғ вариантыда энг юқори қийматда бўлди. Ушбу тажриба вариантыда 138 донагача аралаш ва 131 донагача букет шохлар шаклланди. Бу эса назорат вариантынинг ушбу кўрсаткичидан мос ҳолда 9 ва 11 донага кўпроқ демакдир.

Аралаш ва букет шохларнинг энг кам сони билан зичлаштирилган, яъни 4,0 х 2,0 м схемада барпо қилинган боғ варианты ажралиб турди. Ушбу тажриба вариантыда ҳосил бўлган аралаш шохларнинг ўртача сони 101 ва букет букет шохларнинг ўрсатча сони эса 92 донадан ошмади. Бу эса назорат вариантынинг ушбу кўрсаткичидан мос ҳолда 28 донага камроқ бўлди. Ҳар бир туп дарахтда шаклланган аралаш ва букет шохларнинг ўртача сони қолган тажриба вариантларида оралик қийматларга эга бўлди ва тажриба вариантларига мос равишда 109 дан 121 донагача ҳамда 103 дан 109 донагача ораликда фарқланди (3-жадвал).


### 3-жадвал

**Экиш схемасининг олхўрини Исполинская нави дарахтларида новдаларнинг шаклланишига таъсири, 2020-2022 йй (боғ 2015 йил барпо қилинган)**

Экиш схемаси	Туп сони, дона/га	Жами бир йиллик новдалар сони			
		дона/туп	Шундан		
			ўсув	аралаш	букет
4,0 х 2,0	1250	256±5,2	63±1,3	101±2,1	92±1,9
4,0 х 2,5	1000	286±5,8	74±1,5	109±2,2	103±2,1
4,0 х 3,0	833	312±5,7	82±1,5	121±2,2	109±2,0
4,0 х 3,5 – наз.	715	342±7,0	93±1,9	129±2,6	120±2,4
4,0 х 4,0	625	370±7,6	101±2,1	138±2,8	131±2,7
ЭКФ <sub>05</sub>		13,9	3,7	5,3	4,9
Sx, %		0,7	0,7	0,7	0,7

Кучсиз ўсувчи ОД 2-3 пайвандтагида барпо қилинган олхўрининг Исполинская нави дарахтларида шаклланган ўсув, аралаш ва букет шохларининг ушбу аниқланган ўртача сони хир бир дарахтнинг ўртача маҳсулдорлигида ҳам ўз ифодасини кўрсатди. Бунда, бир дарахтнинг энг юқори ўртача ҳосили новдаларнинг энг кўп сони қайд этилган 4,0 х 4,0 м схемада барпо қилинган боғлардаги дарахтларда қайд этилди. Ушбу тажриба вариантыда бир дарахтнинг бундай юқори ҳосили уларда энг кўп сонда, яъни 138 донагача аралаш ва 131 донагача букет шохлар шаклланиши билан тушунтирилади. Буларнинг барчаси ушбу тажриба вариантыда ҳар бир дарахтдан ўртача 59 кг гача, яъни назорат вариантыга (42) нисбатан 7 кг/тупгача кўпроқ ҳосил олишни таъминлади (2-расм).

